



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI TOSHKENT ARHITEKTURA-QURILISH INSTITUTI

100084, Toshkent shahri, Kichik xalqa yo'li-7,
tel.: (+998)71 235 15 11, taqi.uz, e-mail: devon@taqi.uz

ЎҚУВЧИЛАР ЁТОҚХОНАСИ УЧУН ПОСТЕЛНЫЙ БЕЛЬ

МАТО номи бамбук

1- колипда мато ўртасида узунлигига қараб 2 га бўлиш учун оқ чизик чизилган ва 78x58 ўлчамда икки томонга қараб 2 та тўртбурчак ва икки четида ҳеч қандай гулсиз 32x58 ўлчамда икки та тўртбурчак, жами 4 та тўртбурчакдан иборат гул билан чизилган колипдан фойдаланилган. Ўртадаги 78x58 ўлчамдаги тўртбурчакнинг ўртасига 33x33 ўлчамда мактаб логотипи туширилган. Колип D=64 см, лекин ёстик учун мўлжалланган колип гули 58 см баландликда бўлгани учун ҳар 58 см да горизонтал оқ чизик мавжуд бўлиб, бу чизик 50 x 70 ёстик жилди учун кесиш чизиги вазифасини бажаради.

2- колипда эса эни 220 см ли колипнинг курпа жилди ва чойшаб учун мўлжалланган бош томонида 80 см мато гулсиз рангда бўлади. Бунга сабаб ёстик тагига ҳеч қандай гул шарт эмас. 80 см дан кейин 10 см баландликдаги орасига мактаб логотипи туширилган ўзбек миллий нақши мавжуд бўлиб, ҳар 31 см да такрорланади ва чирмовиқ гулга ўхшаш гул орасидаги логотип пасида мактаб номи лотин алифбосида катта ҳарфлар билан иккала томондан ўқилганда ҳам тўғри ўқиладиган ҳолатни таъминлайдиган алмашинувни тасвирлайдиган гул босилган. Бу 10 см ли узунасига тушган гулдан сўнг ўртада 80 см жойга ҳар D=64 см ли колипда сочма тарзда 8 та D=1 см ли оқ рангдаги думалоқ ва 5 та 3,5x3,5 см ли саккизбурчак ичида яна 1 та оқ рангли 1,8x1,8 см ли саккизбурчак такрорланади. Ундан сўнг тепадаги логотипли чирмовиқ кўринишидаги гул орасида 10 см бўш жой қолдирилган ҳолатда 2 қатор қилиб такрорланади ва охирида 20 см жой гулсиз ҳолатда яқунланади. Бўяш учун мўлжалланган махсус КАСАР қилиб оқартириш усулидан фойдаланилган мато устига тўлиқ фон берилади. Матодаги оқ ранглар касар ҳолатида қолади. Матонинг асосий ранги кулранг ва оч жигар ранг аралашмасидан иборат бўлган 3 та бўёқ аралашмасидан ташкил қилинган 1 хил бўёқдан фойдаланилган (мато рангига намуна берилади). Ювилгандан сўнг бу мато киришиши 2% га ҳам бормаслиги зарур. Чойшаб 220 x 140 ўлчамда бўлиб, четлари 1 см қалинликда қайтарилган. КЎРПА ЖИЛДИ (ПОДОДЕЯЛЬНИК), ҚИШДА ҚАЛИН КЎРПА УЧУН КЎРПА ЖИЛДИ СИФАТИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ҲОЛАТДА тикилган. Кўрпа жилди 220 x 150 ўлчамда бўлиб, оёқ учи томонда ўртасидан қалин кўрпа киргизиш учун 40 см катталиқда очик жой қолдирилади. Очик жой учун алоҳида 6 см қилиб бичиб олинган планка 4 см ҳолатида қайтарилади. Четларида 4 см қалинликда рамка қилиб тикилади. Ёстик жилди ҳам 50 x 70 ёстик учун мўлжалланган бўлиб, четларидаги 4 см ли рамка ҳисобига 58 x 78 бичимдан фойдаланилган. БУ ТЕХНИК КЎРСАТМАЛАР ЮЗАСИДАН ЛАБОРАТОРИЯ ТЕКШИРУВИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

1 комплект 1 та простина 1 та пододеяльник ва 1 та навлочкадан иборат.



Проректор

А.А. Иргашев